

**"Географик обектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси  
Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун Президент  
томонидан имзоланди**

**(ЎРҚ-799-сон, 02.11.2022-й.)**

Қонунга кўра, географик обектларга жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исмларини беришга рухсат берилади.

Шу билан бирга, аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига Ўзбекистон ёки дунё тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг номларини бериш президент қарори асосида ва, қоида тариқасида, номлари бўлмаган обектларга нисбатан вафотидан кейин амалга оширилади.

Географик обектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш бўйича таклифларни тайёрлаш жараёнида маҳаллий аҳолининг фикри ҳисобга олинади.

Таклифларни қабул қилингандан кейин муҳокама қилиш учун тегишли органлар уларни 5 иш куни ичида ўзларининг расмий нашрларида, расмий веб-сайтларида, шунингдек оммавий ахборот воситаларида эълон қиласидилар.

Шунингдек, таклифларни муҳокама қилиш улар эълон қилинган кундан бошлаб 15 кундан кам бўлмаслиги керак.